

ШАХСДАГИ ҒАЙРИИЖТИМОЙ ХУЛҚ АТВОРНИ АНИҚЛАШ ВА УНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Sharifboyeva Mardona Shavkat qizi

O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi kursanti

Аннотация: Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда ички ишлар органлари тизимида бир қанча ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан маҳалла еттилиги билан ҳамкорлик асосида маҳаллалардаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш жиноятчиликка қарши курашишнинг самарали механизми ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ қилиниши натижасида республикадаги криминоген вазиятга ижобий таъсир ўтказиб келиши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинган

Таянч сўзлар: Профилатика инспектори, ғайриижтимоий хулқ-атвор, криминоген вазият, маҳалла ҳуқуқ-тарғибот маркази, умумий профилатика, маҳалла еттилиги, оила ҳамкорлик, миллий гоё.

Аннотация: В Республике Узбекистан в настоящее время реализуется ряд реформ в системе органов внутренних дел, обсуждались вопросы, связанные с доставкой.

Ключевые слова: Инспектор по профилактике, антисоциальное поведение, криминогенная ситуация, участковый правоохранительный центр, общая профилактика, седьмой квартал, семейное сотрудничество, национальная идея.

Хозирги кунда юртимизда қатор ислохотлар ўтказилмоқда. Ватан остонадан бошланганидек, порлоқ келажак сари ҳаракат ҳозирдан бошланиши ва давом этиши лозим, келажакимиз ёшлар кўлида деб бекорга таъкидламаганлар. Биринчи Президентимиз Ислон Каримов, «Ёшлар бизнинг куч қудратимиз, келажакимиздир. Уларга кенг имкониятлар яратиб бериш эса вазифамиздир». Хаттоки юртимиз чор Россиясига қарам бўлган пайтларда юртимиз келажакини ўйлаб кўплаб фидои инсонлар бу хусусида жон куйдирганлар, ёшларни чет элларга хусус ўкиб келишлари

учун шароитлар яратиб, маблағ ажратганлар. Айниқса бу борада жаидчиларнинг фаолияти ахамиятга моликдир. Улар ёшларга диний билимлар билан бир қаторда дунёвий билимлардан ҳам ўз сабоқларини берганлар, бундан хавфсираган рус ҳукумати жаидчилар фаолиятига қарши чиққанлар ва бу орқали ёшларимизни шонли ўтмишимизни унитишига эришмоқчи бўлишган, бу йўлда буюк бобокалонларимизни қоралашган хаттоки рус халқини мўғуллар босқинидан озод бўлишига беқиёс хисса қўшган аждодимиз бўлмиш Сохибқирон Амир Темурни босқинчи, босмачи деб уқтиришга ҳаракат қилишган. Аммо шуни ҳисобга олиш лозимки Сохибқирон Амир Темур нафақат бутун рус халқини балким бутун европа халоскори бўлгани ҳеч кимга сир эмас. Айнан шунинг учун профилактика инспектори ғайриижтимоий ҳуқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолиятида биринчи навбатда уларнинг ёшларга ва вояга етмаганларга салбий таъсирларини камайтиришга эътибор қаратишлари шарт ва ушбу ғайриижтимоий ҳуқ-атворга тушунчасига оид ҳислатларни ўзида намоён этган ёшлар ва вояга етмаганларга алоҳида ахамият бериш лозим.

Тўғри биз ғайриижтимоий ҳуқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш орқали уларнинг барчасини ҳам бу йўлдан қайтара олмаслигимиз мумкин аммо бундай фаолиятни олиб бормасак криминоген вазиятни буткул қўлдан чиқариб юборишимиз орқали жамичт ҳаётини хавф остида қолдиришимиз мумкин. Айнан шунинг учун, вазиятни ўз ихтиёримизда сақлаб иш самарадорлигига эришишимиз учун фаолиятимиз режалаштирилади ҳамда шу режа бўйича иш олиб борилади. Ички ишлар органлари фаолиятида режалаштириш орқали ҳар бир тизимдаги фаолиятнинг қилиши керак бўлган вазифалари белгилаб берилиб, уларга мажбуриятлар ҳам киритилади, бу иш самарадорлигини оширади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017-йил 12-июлдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 151-сонли буйруғида профилактика хизматларида юритиладиган ҳужжатларнинг турлари ва уларни юритиш тартиби

белгиланган.

Хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларида иш юритиш – жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, маъмурий хуқуқбузарликлар, илгари судланган шахсларга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш, профилактик ҳисоб ва ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилалар билан олиб бориладиган якка тартибдаги профилактика ишлари, шунингдек таянч пунктларида китобларни ҳамда ҳужжатларни юритиш, мажбурий даволашга юбориш, вояга етмаганларни ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш каби ишларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган талаблари асосида юритилишига оид фаолият¹⁵.

Шу билан бир қаторда, профилактика инспекторининг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолиятини ташкилий асоси сифатида ҳудуддаги криминоген вазият таҳлили алоҳида ўринни эгаллайди. Профилактика инспектори криминоген вазиятга баҳо беришда ички ишлар органлари таянч пунктида юритиладиган таянч пунктнинг маъмурий ҳудуд паспорти, фуқароларни қабул қилиш, профилактика суҳбатини қайд этиш, таянч пунктига хизматга келган ходимларни қайд этиш, аянч пунктларига келтирилганларни қайд қилиш китоблари алоҳида ўринни эгаллайди ва уларга киритилиши лозим бўлган барча маълумотларни ўз вақтида ёзиб борилиши эса ҳудуддаги ишларни тўғри ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида маҳаллаларда ички ишлар органларининг таянч пунктлари фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларни бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар, аввало, кенг жамоатчиликнинг иштироки билан 2018 йилда умумий жиноятчиликни 36 фоизга камайтиришга эришилди, 3 минг 205 та ёки 35 фоиздан зиёд маҳаллада эса бирорта ҳам жиноят содир этилмади.

¹⁵Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017-йил 12-июлдаги «Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 151-сонли буйруғи

Жаҳоннинг ривожланган давлатларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш соҳасини бошқаришга оид илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, ички ишлар (полиция) органлари олдида турган ушбу муҳим вазифалар ижросини жамиятдаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш орқали таъминлаш, соҳани бошқаришга замонавий ахбороткоммуникация технологияларини, илғор иш усулларини жорий этиш, тизимни малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш, мазкур йўналишларда фуқаролик жамияти институтларининг имкониятларидан кенг фойдаланиш, бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида давлат органларига кўмаклашувчи ихтисослашган жамоатчилик тузилмалари фаолиятини ташкил этиш ҳамда уларни қўллаб қувватлашга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумки ҳар бир давлатнинг тинчлиги, осойишталиги ва барқарорлиги шу мамлакатда яшайдиган аҳолининг қанчалик қонунларга қатъи амал қилишига, шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий мухитни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан ҳимояланиши, фуқароларнинг сезгирлиги, огоҳлиги, ошириш билан ифодаланади.

Республикамизда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашдаги фаоллигини оширишга, давлатни бошқаришда жамоат ташкилотларининг ролини босқичма-босқич амалга оширишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда маҳалланинг ўрни бекиёс. Маҳалла фуқаролари йиғини раислари, ташкил этилган комиссиялар билан биргаликда оилавий-маиший сабабларга кўра содир этилган ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан аёллар, вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар муҳокамасини ташкил этиш ва ўтказиш, мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўришмоқда.

Ҳафтанинг ҳар пайшанба куни "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

куни" этиб белгиланганлиги маҳаллаларда профилактик ишларни ташкиллаштиришда кўл келмоқда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кунида маҳалла фуқаролари йиғини фаоллари профилактика инспекторлари билан биргаликда ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларга, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш билан биргаликда, уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, республикамизда уч-тўрт йилдан бери ҳеч қандай ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этилмаган маҳаллалар ҳам борки, бу маҳалла аҳли тинч-тотув, аҳил-иноқ яшашидан, шунингдек, ҳудудда маҳалла фаоллари билан профилактика инспекторлари нуроний отахон ва онахонларимиз, оқсоқоллар, кайвонилар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораётганидан далолат беради. Бир сўз билан айтганда, бугун маҳалла халқни тарбиялайдиган, одамлар қалбида эзгу ғояларни шакллантирадиган маскан сифатида гуллаб-яшнаб, маънавиятимизга таҳдид солаётган бузғунчи ғояларга қарши курашда ўзининг эзгу амаллари билан хизмат қилмоқда.

Қуйидаги маълумотлар асосида шуни алоҳида такидлаб ўтиш лозимки, профилактика инспекторлари ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар билан ишлаш жараёнида нафақат уларнинг хусусиятлари, балки унга салбий таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омилларга ҳам боғлиқлигини ҳам таҳлил қилишлари лозим. Мисол учун профилактика инспекторлари ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар билан ишлаш жараёнида шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворли шахсга айланиб қолишини олдини олиши, уларни бу ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар тоифадасидан чиқиб жамият ҳаётига қўшилиб кетишига ёрдам бериши лозим экан.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Мирзиёев Ш.М.* Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т., «Ўзбекистон», 2016. – 56 б.

2. *Мирзиёев Ш.М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т., «Ўзбекистон», 2017. – 48 б.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2014. – № 20. – 221-м.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги 2016 йил 16 сентябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2016. – № 38. – 438-м.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017 – № 6. – 70-м.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2833-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 12. – 134-м.

7. Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилалар билан ишлашда профилактика инспекторлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги жамоат тузилмаларининг ўзаро ҳамкорлиги: Ўқув қўлланма / Р.Рахманов, А. Муродов, С.Хўжақулов. – Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – 52 б